

7. Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. Задачи управления рисками на предприятии // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, 2016. № 5. С. – С. 88-89.
8. Епифанова, Т.В. Основные положения анализа и оценки финансовой устойчивости организаций малого и среднего бизнеса в статике / Т.В. Епифанова // Финансовые исследования. – 2012. № 4 (37). – С. 72-78.
9. Khaydarov U. R. Features of the Training Process Aimed to Perfection Speed Qualities //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 207-211.
10. Nguen, R. Finance of small and medium-sized enterprises. / E. Fetisovova et al. / 2018. – Bratislava. IURA EDITION – 260 p.

УДК: 331.101

DOI: 10.56937/v7i9a11

Тухтабаев Жамишид Шарафетдинович

и.ф.ф.д. (PhD), доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

jamshidtukhtabaev@gmail.com

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти илмий-назарий жиҳатдан ёритилган. Инновацион иқтисодиётга ўтишнинг долзарблиги, бу масалада амалга оширилаётган ишлар, саноат тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ўзаро назарий-қиёсий таққосланган, меҳнат самарадорлиги тушунчасига муаллифлик таърифи берилган, меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: меҳнат самарадорлиги, меҳнат сифати, меҳнат сарфи, жонли меҳнатнинг тежалиши, меҳнат унумдорлиги, инновацион иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, муносиб меҳнат, механизм, ижтимоий-иктисодий самарадорлик, ташкилий-иктисодий самарадорлик.

Кириш

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш тизимига ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маъruzalariда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифаларининг бири сифатида “...иктисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш”[1] деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, шу бугунги кун талабларига жавоб берадиган саноат маҳсулотлари ва хизматларини яратиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатдошлигини ошириш мумкинлиги, инновацияларни амалиётга жорий этилиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳар доим катта аҳамият касб этган. Иқтисодиётнинг ҳозирги замонавий босқичида ривожланган мамлакатлар тараққиётига инновацион фаолият муҳим ўрин эгаллади. Биргина, инновацион ахборот-коммуникация технологиялари саноатининг ривожланиб бориши натижасида жаҳон миқёсида яратилаётган жаҳон ялпи маҳсулотнинг қарийб 5,5 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида сезиларли салмоқга эга эканлигини кўришимиз мумкин, масалан, Жанубий Кореяда 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7,0 фоизни, АҚШда эса 6,8 фоизни ташкил этади. Шуни қайд этиш лозимки, замонавий иқтисодиётда инновацияларнинг роли янада ошмоқда, улар иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланди.

Инновацион иқтисодиётта ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиши механизми, шакллари ва меҳнатни ташкил этиш жараёнларида намоён бўлади. Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш стратегиясида “2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илфор мамлакати қаторига кириш” [2] вазифаси белгиланган. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иктисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан, балки қўйидан юқорига, оддийликдан мураккаблик томон юксалиш тамойилларига асосланади. Бу эса тараққиётнинг универсал қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир замон иқтисодиёти ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тузилмасига асосланади. Ҳозирги ривожланиш босқичи замонавий бошқарув ва инновацияга асосланган самарали иқтисодиётни барпо этишга асослангандир. Айнан мазкур икки жиҳат ҳар бир даврнинг иқтисодий ривожланишида ўзининг изини қолдиради ва ривожланиш даражасини белгилаб беради. Ушбу босқич иқтисодий трансформация жараёнларини вужудга келтириб, яъни ривожланишнинг бир босқичидан кейинги такомиллашган инновацияга асосланган босқичга ўтишига моддий ҳамда техник-технологик асос яратади. Шунингдек, иқтисодий трансформация натижасида сифат, техник-технологик жиҳатдан олдинги тизимга нисбатан инновацион иқтисодиёт вужудга келади.

Инновацион иқтисодиёт тушунчасига тўхталар эканмиз, биз аввало “инновация” тушунчасига эътибор қаратишимиш лозимдир. Ҳозирги вақтда бу тушунча жуда кенг миқёсда талқин қилинмоқда. Бу борада “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “инновация” атамаси инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, “киритилган янгилик, ихтиро” [3] деган маъноларни англатиши қайд қилинган. “Большая экономическая энциклопедия”да “...бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлик фаолият” [4] эканлиги, “Иқтисодиёт ва молия” электрон лўғатида “...фан ютуқлари ва илфор тажрибалардан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардир”, деб таъриф берилади. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да берилган таърифга мувофиқ “инновация бу - янгиликларни киритиш, илгари тадбиқ этилмаган янги бир нарсани жорий этилиши” [5] ни билдиради. Янгиликлар деганда янги тартиб, кашфиёт ёки бирон янги ҳодиса кўзда тутилади. Янгиликларни киритиш деганда “янги нарсани киритиш” ибораси янгиликлардан (фан ва техника ютуқлари, илфор технология ва янги ихтиrolар, ноу-

хаяу, интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, стандарт ва х.к.) фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, янгиликларни киритиш ва тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб, у инновацияга айланиб, янгича сифат касб этади. Инновация бу шундай бир тизимки, бу тизим орқали янгиликларни тезкорлик билан киритишимиш, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун янги технологиялар жалб қилишимиз ва мавжуд тизимни тубдан янгилашимиз ҳамда тезкор ахборот алмашинувини таъминлашимиз мумкин бўлади. Жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида фан-техника тараққиёти орқали унинг намоён бўлиш шакли инновациялар ва илғор технологиялар соҳасидаги инновацион фаолият ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг 70 фоиздан 85 фоизгача янги технология, асбоб-ускуна, янги билим ҳамда ечимларга эга бўлган инновацион маҳсулотлар улушига тўғри келади. Бу эса мамлакат ҳаётидаги инновацион иқтисодиётнинг нақадар муҳимлигини белгилаб беради. Инновацион иқтисодиёт – жамият тараққиёти учун фойдали бўлган ҳар қандай инновацияларни тезкорлик билан тадбиқ этишга қодир иқтисодиётдир. Инновацион иқтисодиётда асосий эътибор меҳнат ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини, самарали фан ва технология янгиликларини ҳамда замонавий бошқарув усувларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш асосида замонавий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тармоқларини ривожлантиришга қаратилади. Жамият тараққиётидаги бундай ҳолат иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан саноат ишлаб чиқариш соҳасини кенгроқ ривожланишини талаб этади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефт-кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қўрилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда" [6]. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши натижасида ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2021 йилда 34,5 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 12,9 фоиздан иборат эди. Ушбу таҳлил қилинаётган муддат давомида саноатнинг ЯИМдаги улуши 2,7 марта ошган.

Саноатлашган инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган ҳамда ривожланиб бораётган мамлакатларнинг ЯИМ таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини қўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатлар тез суръатлар билан жадал ривожланишида иқтисодиётнинг етакчи бўлган тармоқларида яратилаётган юқори қўшимча қийматга эга бўлган саноат маҳсулотлари ҳажмининг ортиши ва сифати яхшиланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 80,3 фоиздан ортиғи айнан қайта ишлаш тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар яратилиши ЯИМга нисбатан 2021 йилда 92,8 фоизни ташкил қилди. "Қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар"¹ яратилиши ишлаб чиқариш тармоқларида, яъни юқори технологияли ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноат тармоқларида вужудга келишини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва тубдан

¹ Оралиқ ресурсларнинг барча чиқимлари ва харажатларини ҳисоблаш натижасида маҳсулот қўшимча қийматга эга бўлади. У амалдаги тайёр ресурслар амортизацияси ёки табиий ресурсларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ва камайиб боришини ҳисобга олмайди. Маҳсулотнинг қўшимча қийматга эга бўлиши одатда халкаро тармоқлар классификацияси (тақсимоти) стандарт(ХТКС)лари асосида белгиланади.

янгилаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида 2021 йилда 2016 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 4,8 марта, тоғ-кон саноати ва очиқ конларда маҳсулот ишлаш чиқариш 4,9 марта, озиқ-овқат ва ноозик-овқат саноат маҳсулотларини ишлаш чиқариш 4,1 марта, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 2,9 марта, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 3,8 марта ошганлиги, ушбу саноат тармоқларида яратилаётган қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигининг тасдигидир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда саноатнинг ривожланиб бориши халқ хўжалигининг барча тармоқларини тараққий эттиришга, меҳнат билан банд бўлғанлар сонини ошишига, уларда замонавий билим ва маҳоратнинг ортишига, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этилишига, мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, жаҳон ҳамжамиятида юқори ўринга эга бўлиш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқотларимиз ижтимоий-меҳнат муносабатлари саноат корхоналарининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ишчи-хизматчиларнинг имкониятларини кенгайтириш сифат жиҳатдан юқорироқ эҳтиёжларини қондириш, шахсни ривожлантириш ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш имкониятини, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини яратишни кўзлайди. Бу эса саноат корхоналарида муносиб меҳнат тамойилларини таъминлаш имконини беради. “Муносиб меҳнат – шахс даромадининг даражаси, ижтимоий ҳимояланганлиги, касбда ўсиш имкониятлари, шунингдек, мазмунида, аҳлоқий хусусиятлари билан қондириладиган меҳнатдир. Кенг маънода эса: муносиб меҳнат – ходимларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши ҳамда “инсон-ишлаб чиқариш” муносабатлари тизими тадрижий ривожланишининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ бўлган ижтимоий-иктисодий, институционал, ташкилий омилларнинг мураккаб тизими” [7]. Саноат корхоналарида муносиб меҳнатнинг амал қилиши нафақат ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга балки уларда ўз меҳнатидан қониқиши ҳиссини туғдириш, меҳнат самарадорлигига эришиш, корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш, яъни иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига эришишига хизмат қиласи.

Меҳнат фаолиятининг самарадорлигини ошириш иқтисодий ривожланишининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидланганидек “...қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равища ўсиб кетишига олиб келмоқда” [15].

Тадқиқот методологияси

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришга оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқот қилиш жараёнида тизимли таҳлил, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, гурухлаш, мантиқий ва таққослама таҳлил қилиш каби усууллардан фойдаланилган.

Адабиётлар таҳлили

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги тушунчасини таҳлил қилишдан олдин, самарадорлик тушунчасининг моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Самарадорлик” тушунчаси кенг кўламли, умуниқтисодий категория сифатида талқин қилиниб, ўз ичига илмий, техник, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа

натижаларни қамраб олади. Самарадорлик тушунчаси мураккаб тушунча эканлигини эътироф этиб, илмий адабиётларда (efficiency – инглизча) (efficientia – лотинча) бир нечта таржимавий талқинга эга, бирмунча кенг тарқалган “efficiency” иборасини “самарадорлик, маҳсулдорлик, ҳаракатчанлик қобилияти ва оперативлик” [8] каби тушунчалар билан изоҳлаш мумкин.

Самарадорлик тушунчаси бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан турли илмий изланишлар олиб борилган ҳолда улар ўзларининг қарашларини баён қилганлар. Масалан, В.В.Новожилов томонидан самарадорликка қуидагича таъриф берилган: “...самарадорликни умумий тарзда фойдали самарани (натижадорликни) олиш учун сарфларга нисбатида ифодаланади” [9], Л.М.Чистов томонидан: “самарадорлик – бу вақт бирлигига ишлатиладиган ресурслар бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот кўринишида фойдали хоссаларни концентрациясидир” [10], Вильфред Парето: “самарадорлик - бу ишлаб чиқариш тизимида бирон-бир жараёнга путур (зараар) етказмаган ҳолда юқори натижадорликка эришишдир” [11] деб таъриф берилади.

Мамлакатимизнинг етук олимлари ҳам самарадорлик тушунчаси бўйича ўзларининг қарашларини баён қилганлар. Хусусан, академик Қ.Х.Абдураҳмонов томонидан қуидагича таъриф берилади: “Самарадорлик тушунчаси ниҳоятда кенг тушунчадир, у олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради” [12], А.Ўлмасов, А.Ваҳобов томонидан: “Самарадорлик ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижанинг таққосланишини билдиради, яъни бу нима сарфлаб нимага эришганлигини кўрсатади” [13], Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев томонидан эса: “...самарадорлик - бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан якунланганини ифодалайди” [14] деб изоҳ берилади. Ушбу ёндашувларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш муносабатларида эришиладиган иқтисодий манфаатдорлик ва ижтимоий нафлийлик кўзланган мақсадга нисбатан ортиқ ёки устунлигига намоён бўлишини ифода этади. Самарадорлик тушунчасини иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенг қўлланилиб, ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолияти самарадорлиги тушунчаларига изоҳ беришда ҳам қўллаш имконини беради.

Ҳозирги кунга қадар иқтисодчи олимлар ўртасида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ташкилий-иқтисодий баҳолаш услуби тўғрисида ягона фикр йўқ. Кўпчилик иқтисодчи олимлар “меҳнат самарадорлиги” ва “меҳнат унумдорлиги” тушунчаларини бир-бирига ўхшаш тушучалар, деб таъкидлашади. Масалан, В.И.Иваницкий, И.Н.Максименко ва Н.Н.Ушаковалар [16] томонидан: “меҳнат самарадорлиги бажарилган иш ҳажми учун меҳнат сарфларини камайтириш ёки яратишни кўпайтириш билан боғлиқ меҳнат унумдорлиги орқали тавсифланади” деган фикрни илгари сурилади. А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар томонидан: “меҳнат унумдорлиги меҳнат натижасини, меҳнат самарадорлигини англатади” [13], деб эътироф этишган.

Тахлил ва натижалар

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишни аниқлаш ижтимоий-иқтисодий категория сифатида қўп жиҳатлилиги муайян кўрсаткичлар тизимини талаб қиласиди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш даражасини ишлаб чиқариш миқёсларига (иқтисодиёт тармоқлари, соҳа, корхона, цех, участка, бригада) қараб меҳнат самарадорлигини аниқлашнинг турли даражалари эътиборга олиниши лозим. Бунинг устига, ҳатто бир даражанинг ўзида – айрим саноат корхона (цех,

участка)лари даражасидаги – кўрсаткичлар тизимлари фарқланиши мумкин, чунки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари турлича ҳисоблаб чиқилади, ходимлар таркиби (малака даражаси, иш тажрибаси, сони) тафовутли ва меҳнат сарфларини ҳисобга олишнинг ўз хусусиятлари бўлади. Агар саноатнинг хусусиятига назар ташлайдиган бўлсак, табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан фойдаланиш, фан-техника тараққиётини белгилашга, жонли меҳнатнинг самарадорлигини ошириш, қўшимча қиймат яратишга эгадир.

Тадқиқотларимизда аниқландики, бир қатор бошқа хориж олимлари томонидан меҳнат самарадорлигини ўрганишда уни ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам тенгглаштиришган. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тушунчалар саноат корхоналарида алоҳида З та иқтисодий категориялар ҳисобланади. Ушбу чалкашликлар келгусида такрорланмаслиги учун, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигининг моҳиятини меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги категориясидан алоҳида категория сифатида тадқиқ қиласиз. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўртасида фарқ борлигига шубҳа йўқ. Ишлаб чиқариш самарадорлиги саноат корхоналарида меҳнат, моддий, табиий ресурсларининг маҳсулот ишлаб чиқаришда қанчалик даражада фойдали ишлатилишини ифодалайди. Унинг даражасини комплекс кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Уларда энг муҳими бу моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, маҳсулот сифати ва таннархи каби кўрсаткичларнинг ҳар бир-бирлигига teng яратилган маҳсулот ҳажмидир. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг меҳнат унумдорлигидан фарқи шундаки, самарадорлик ишлаб чиқариш жараёни доирасидан четга чиқиб истеъмол даврининг ҳам самарасини ифодалайди. Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир, унинг натижаси меҳнат маҳсули тарзида (вақт ёки қиймат бирликларида) ифодаланади. Меҳнат самарадорлиги меҳнат унумдорлигидан фарқли ўлароқ, нафақат меҳнат натижасини, балки меҳнат ҳажми ва унинг сифатини ҳам намоён этади. Меҳнат сифати деганда, икки маънони тушунмоқлик лозим. Тор маънода: маҳсулот сифатини, кенг маънода: ижтимоий фойдалилиги, меҳнат натижаларининг қўйилган талабларга жавоб беришини ифодалайди. Меҳнат самарадорлигининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у ўз ўрнида меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги тежамкорликни, инсон меҳнат фаолиятининг сермеҳнатлигини ҳам ифодалайди. Ушбу бир-биридан иқтисодий фойдаланиш даражаси бўйича фарқ қилувчи категорияларни ўзаро фарқли жиҳатларини куйидаги 1-жадвалда таснифлаймиз.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичини ижтимоий-иктисодий категория сифатида тадқиқ этилишида В.В.Новожиловнинг ҳиссаси катта, унинг фикрича, "...маҳсулотнинг фойдали хусусияти унинг сонига боғлиқ эмас. Маҳсулот фойдали ёки кераксиз, зарур ёки ортиқча бўлиши мумкин. Ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши, меҳнат ҳажмининг ошишига олиб келиши мумкин, аммо бу унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади" [9]. О.И.Волков томонидан меҳнат самарадорлиги тушунчасига "...вақт бирлиги давомидаги бажарилган меҳнат натижаси учун меҳнат сарфларини қисқартириш билан боғлиқ меҳнат маҳсулдорлиги" [17], А.И.Рофе томонидан "меҳнат самарадорлиги бу маҳсулдорлик, инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги самарадорлиги" [18] деб таъриф берилган. Л.А.Костин томонидан: "меҳнат самарадорлиги меҳнатнинг ижтимоий жиҳатларини, жумладан меҳнат шароитини яхшиланиши ва унинг хавфсизлигини оширишни ифода этади" [19],

В.Ф.Потуданская: “мехнат самарадорлиги – бу ресурсларнинг рационал сарфи даражасидаги мақсадга эришишдир” [20], А.С.Волчёнкова: “мехнат самарадорлиги - ишчиларнинг мехнат потенциалидан фойдаланиш натижадорлигини ифода этади” [21], И.Т.Абдукаримов ва бошқалар томонидан: “мехнат самарадорлиги унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигига битта ходимга (бир мехнат салоҳиятига) тўғри келадиган натижа билан ўлчанади” [22] деб изоҳ берилган.

1-жадвал

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги, мехнат унумдорлиги ва мехнат самарадорлигини қиёсий таққослаш¹

Фарқлаш жиҳатлари бўйича	Ишлаб чиқариш самарадорлиги	Мехнат унумдорлиги	Мехнат самарадорлиги
Мехнат фаолияти соҳаси	Моддий бойликлар ишлаб чиқариш	Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги мехнат	Ялпи фойдали мехнат (моддий ва номоддий ишлаб чиқариш)
Яратилаётга н моддий қиймат ва хизматлар ҳажмига таъсири	Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши жамғариш ва жорий эҳтиёжларни қондириш учун керакли моддий қийматларни ўсишига олиб келади	Мехнат унумдорлигининг ўсиши жамиятнинг барча моддий қийматларини оширади	Мехнат самарадорлигининг ўсиши моддий қийматлар билан бирга хизматлар ҳажмининг ҳам ошишига олиб келади
Натижавийликни ўлчаш қўрсаткичлари			
Ишлаб чиқариш самарадорлиги		Мехнат унумдорлиги	Мехнат самарадорлиги
Умумиқтисодиёт даражасида			
ЯИМ ёки якуний маҳсулот ҳажмининг моддий, мехнат ва молиявий ресурслар бир-бирлигига нисбати	Моддий соҳаларда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг шу соҳада иш билан банд бўлганларнинг умумий сонига нисбати	Яратилган якуний маҳсулот ҳажмининг иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат сарфи ва меҳнат сифатига нисбати	
Тармоқ даражасида			
Тармоқ томонидан маълум маҳсулотга нисбатан ялпи эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси. Натура шаклидаги ишлаб чиқарилган ёки соғ маҳсулот хажмининг фойдаланилган барча	Тармоқда ишлаб чиқарилган норматив соғ маҳсулотни тармоқ саноат ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлганларнинг умумий сонига нисбати	Тармоқдаги маҳсулотнинг тармоқда меҳнат сифими ва меҳнат сифатига нисбати	

¹ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ресурсларнинг ҳар бир-бирлигига нисбати		
Корхона даражасида		
Меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, маҳсулот сифими, таннарх, режанинг бажарилиши, рентабеллик кўрсаткичлари	Соф маҳсулот ҳажмининг ҳар бир саноат ишлаб чиқариш персонали ишчисига нисбати ёки меҳнат сарфларининг бир маҳсулот бирлигига нисбати	Яратилган соф маҳсулот ва ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг (сифатий кўрсаткичлар билан) тежаб қолинган иш вақти ва жонли меҳнатга нисбати

Иқтисодий луғатларда ҳам меҳнат самарадорлигига “...инсонларнинг меҳнат натижадорлигини тавсифлайди. Минимал меҳнат сарфи эвазига юқори самара натижасини ифода этади” [23], “меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тавсифи” [24] каби таърифлар берилган. Ушбу берилган таърифларда меҳнат самарадорлиги тушунчасига тор нуқтаи-назардан ёндашилган, агар берилган таърифларни алоҳида олган ҳолда куриб чиқадиган бўлсак, О.И.Волков: “меҳнат самарадорлиги меҳнат сарфларини қисқартириш билан эришиш”, А.И.Рофе: “меҳнат самарадорлигини инсоннинг фақат ишлаб чиқариш жараёнидаги натижаси”, В.Ф.Потуданская: “меҳнат самарадорлиги ресурслардан оқилона фойдаланишдаги натижа”, Л.А.Костин: “меҳнат самарадорлиги қулай меҳнат шароитини ифода этиши”, А.С.Волчёнкова: “меҳнат самарадорлиги - ишчиларнинг меҳнат потенциалидан фойдаланиш натижадорлигини ифода этади” [21], И.Т.Абдукаримов ва бошқалар томонидан: “меҳнат самарадорлиги унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигига битта ходимга (бир меҳнат салоҳиятига) тўғри келадиган натижа билан ўлчанади” [22] деб изоҳ берилган. Иқтисодий луғатларда ҳам меҳнат самарадорлигига “...инсонларнинг меҳнат натижадорлигини тавсифлайди. Минимал меҳнат сарфи эвазига юқори самара натижасини ифода этади” [23], “меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тавсифи” [24], “ишчилар томонидан корхона (ташкилот)га кўшган меҳнат ҳажми кўрсаткичи” [25] каби таърифлар берилган.

Ушбу берилган таърифларда меҳнат самарадорлиги тушунчасига тор нуқтаи назардан ёндашилган, агар берилган таърифларни алоҳида олган ҳолда кўриб чиқадиган бўлсак, О.И.Волков: “меҳнат самарадорлиги меҳнат сарфларини қисқартириш билан эришиш”, А.И.Рофе: “меҳнат самарадорлигини инсоннинг фақат ишлаб чиқариш жараёнидаги натижаси”, В.Ф.Потуданская: “меҳнат самарадорлиги ресурслардан оқилона фойдаланишдаги натижа”, Л.А.Костин: “меҳнат самарадорлиги қулай меҳнат шароитини ифода этиши”, А.С.Волчёнкова: “меҳнат самарадорлиги инсоннинг меҳнат имкониятларидан фойдаланиш натижаси” сифатида ёндашишган, бу ёндашувларда инсоннинг ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфи ва унга яратилган шароит меҳнат самарадорлигини ифода этишлиги белгиланган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, меҳнат самарадорлиги кенг кўламли тушунча бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришдаги меҳнат натижасининг сарфлардаги самарадорликни ўзида ифода этади. Бу тушунчага, устозимиз Академик К.Х.Абдураҳмонов кенг миқёсли тариф берган “меҳнат самарадорлиги моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳам инсон меҳнат фаолиятининг бошқа соҳаларидағи маҳсулдорлигини тавсифлайди” [12].

Меҳнат самарадорлиги саноат корхоналарининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тавсифловчи энг муҳим ижтимоий-иктисодий категориялардан биридир. Меҳнат самарадорлигининг моҳиятини ўрганишни энг аввало унинг қайси соҳага тегишли эканлигини аниқлашдан бошлаш лозим: моддий ишлаб чиқариш соҳасидами ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишлими? Кўпчилик олимлар меҳнат самарадорлигини моддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишли, деб эътироф этишади, чунки бу соҳада килинган сарфлар яқин давр ичидан ўз натижасини бериши билан фарқланади. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, меҳнат самарадорлиги ноишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳасига тегишли, деб фикр юритишади, чунки бу соҳада қилинган сарфлар узоқ муддат ўз натижасини бермаса ҳам, лекин вақти келганда шундай натижа берадики, буни ҳеч кандай микдорий ва сифатий ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат самарадорлиги унумли меҳнат бўлиб, инсон ҳаёти учун керакли моддий шароитлар яратади, уни кўрсаткичларининг ишини эса, ҳаёт шароитларида янада яхшилайди, шунингдек, жамият аъзоларининг маънавий ривожланишини таъминлашга ёрдам беради. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатни унумли деб бўлмаса-да, унинг аҳамиятини алоҳида эканини таъкидлаш лозим. Демак, меҳнат самарадорлигини алоҳида бир соҳага тегишли эмаслиги, балки иктисодиётнинг барча ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини ҳам қамраб олади.

Академик Қ.Х.Абдураҳмонов меҳнат самарадорлигининг унумли моҳиятини: “меҳнат самарадорлигини аниқлашда унинг натижаларини моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги сарфлар билангина эмас, балки барча меҳнат сарфлари (барча меҳнат ресурслари сарфлари) билан таққослаш, яъни моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида иш билан банд бўлганларни, ўқищдагиларни, уй хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликда иш билан банд бўлганларни эътиборга олиш” [26], деб тавсифлайди.

Меҳнат самарадорлигининг умумий тавсифидан келиб чиқадиган бўлсак, у моҳиятан меҳнат унумдорлиги каби олинган натижаларнинг сарфларга нисбати орқали характерланади, яъни бу икки ижтимоий ва иктисодий категория саноат корхоналарида меҳнат сарфларига нисбатан тушумни акс эттиради, аммо улар турли даражада, турли ижтимоий-иктисодий муносабатлар мажмуини ифодалайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ўзига хосликдан келиб чиқсан ҳолда категориянинг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат, биринчидан, меҳнат самарадорлиги бевосита унумли сарфларни ифодалайди; иккинчидан, моддий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфи ва сифатини; учинчидан, тобора чуқурлашиб бораётган меҳнат тақсимоти жараёнини; тўртингидан, технологик даражани; бешинчидан, инсон меҳнат қилишлiği учун яратилган муносабиб меҳнат шароитини; олтинчидан, ижтимоий зарурий меҳнат сарфи ҳисобини ифодалайди.

Меҳнат самарадорлигининг ижтимоий-иктисодий категория сифатида ўзига хослиги шундаки, бунинг моҳияти ва мазмунини оддий микдорий ва сифатий кўрсаткичлар билан иктисодий баҳолаб бўлмайди. Меҳнат самарадорлигини нафақат иктисодий, ижтимоий, шунингдек ижтимоий-иктисодий нуқтаи-назардан ҳам баҳолаш керак. Масалан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича тадбирларни оладиган бўлсак, бу тадбирларни иктисодий кўрсаткичлар билан ўлчаб, самарадорлигини ижтимоий-иктисодий нуқтаи-назаридан баҳолаш мумкин. Иктисодий кўрсаткичлардан ижтимоий ноишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат сарфларини баҳолаш имкони мавжуддир, бироқ улар умумий меҳнат самарадорлиги таркибига алоқадор ҳисобланади. Ушбу

ўзига хослиқдан келиб чиққан ҳолда категориянинг ўзига хос хусусиятларини келтирамиз: биринчидан, меҳнат самарадорлиги бевосита унумли сарфларни ифодалайди, шунингдек, моддий маҳсулотлар яратишдаги унумсиз меҳнатга ҳам таъсир қиласи; иккинчидан, меҳнат самарадорлиги, моддий маҳсулот ишлаб чиқаришда ўз таъсирини кўрсатувчи фойдали самарани яратувчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат сарфи ва сифатини ифодалайди; учинчидан, тобора чуқурлашиб бораётган меҳнат тақсимоти жараёнини ифодалайди; тўртингидан, технологик даражани; бешинчидан, инсон меҳнат қилишлиги учун яратилган муносиб меҳнатни ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг берган таъриф ва таснифлари асосида меҳнат самарадорлиги категорияси моҳиятини ёритишда унинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур. Шу боисдан, инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида муносиб меҳнат тамойиллари ва миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги тушунчасига кенг миқёсли муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, меҳнат самарадорлиги – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, муносиб меҳнат тамойиллари асосида ишлаб чиқариш (ноишлаб чиқариш) жараённада меҳнат сарфини камайтириб меҳнат сифатини ошириш эвазига юқори меҳнат натижадорлигига эришишдир.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ишчи-хизматчиларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий томонларини ифодалайди, унинг натижаларини эса миқдорий ва сифатий жиҳатдан тавсифлайди. Маҳсулот бирлигига меҳнат сарфининг камайиши, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошиши ҳамда иқтисодий ўсишга эришишда меҳнат самарадорлигини ошириш муҳим омиллардан биридир.

Саноат ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлигининг ошиши меҳнат унумдорлигининг ошишига ва зарурий меҳнат сифати сарфини олишдаги сарфланадиган меҳнатнинг камайишига олиб келади. Меҳнат самарадорлиги нафақат ишлаб чиқариш кучларининг эришган даражасини, балки жамият ишлаб чиқариш муносабатларининг характеристини, хусусан ижтимоий меҳнатни ташкил этишни ҳам ифодалайди. Шу маънода, меҳнат самарадорлиги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг муҳим томонларини, меҳнатни ташкил этилганликнинг қанчалик самарали эканлигини кўрсатиб беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, меҳнат самарадорлиги меҳнат сарфларининг натижавийлигини ифодалар экан, уни икки йўналишга бўлиш мумкин: биринчи йўналиш, ижтимоий муносабатларни ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, бунда ишлаб чиқариш муносабатлари асосий ўринни эгаллайди; иккинчи йўналиш, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини ифодаловчи ташкилий-иқтисодий самарадорлик. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик давлат ва ишчи, давлат ва корхона, корхона ва ишчи ўртасидаги меҳнат сарфлари ҳамда унинг натижалари бўйича ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттиrsa, меҳнатнинг ташкилий-иқтисодий самарадорлиги меҳнат жараёнининг моддий-ашёвий томонини, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини, уларнинг жойлашуви ва техник пропорцияларини ифодалайди. Шундай қилиб, меҳнат самарадорлиги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари даражасини кўрсатиб, меҳнат сарфлари ва натижалари ўртасидаги муносабатни тавсифлайди. Бундай ёндашув, тадқиқотимизнинг асосий

жиҳатларини кенгайтириб, муносиб меҳнат тамойилларига амал қилиш имконини беради.

Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини тавсифлашда механизм тушунчасини англаш муҳим ҳисобланади. Иктисодий ва техник мажмуа тадқиқотларда механизм атамаси кенг тадқиқ қилинади. “Механизм” атамаси грекча “mechanе” сўзидан олинган бўлиб “машина” [27] деган маънони англатиб, бир ёки бир неча ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган ва бу ҳаракатлар бошқа ҳаракатларни юзага келтирувчи мақсадли тизимдир. Механизм тавсифдан келиб чиқсан ҳолда, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив заруриятини келтириш мумкин. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг объектив заруриятини уч йўналишда кўриб чиқиш мумкин: биринчи йўналиш, бу саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини асосий мезон ва кўрсаткичларини ҳамда баҳолашда тизимли ёндашувлар асосида саноат фаолиятининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўрганиш билан боғлиқлиги; иккинчи йўналиш эса, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини эконометрик баҳолаш; учинчи йўналиш, саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ. Ушбу учта йўналиш ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ ва уларнинг асосий мақсади муносиб меҳнат тамойилларига амал қилган ҳолда саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборатdir.

Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш нафақат саноат корхоналари миқёсида, балки умумиқтисодиёт миқёсида ҳам мураккаб ва ўрганилиши зарур бўлган иктисодий дастаклардан бири ҳисобланади. Чунки, сўнгги 25 йилликда меҳнат самарадорлигини ошириш механизми бўйича илмий-тадқиқот ва оммавий фаолиятларда ҳам бу масала четда қолиб келаётган эди. Мамлакатимиз инновацион ривожланишининг стратегик мақсадларини амалга оширишда, саноат корхоналарнинг халқаро ва минтақалараро рақобатдошлигини таъминлашда аввало меҳнат самарадорлигини ошириш муҳим эканлиги ўз эътирофини топмоқда. Ташкилий-иктисодий механизм қуйидаги ташкилий вазифаларни ўз ичига олади: биринчидан, замонавий бошқарув услубларидан фойдаланиш; иккинчидан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда кўллаш; учинчидан, меҳнатни ташкилий-иктисодий жиҳатдан баҳолаш имконини берадиган тизимни яратиш; тўртинчидан, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақти фондидан оқилона фойдаланиш; иктисодий вазифаларга: биринчидан, меҳнатга муносиб моддий ва маънавий рафбатлантиришни амалга ошириш; иккинчидан, ходимларни корхонанинг иктисодий ва молиявий самарадорлиги ошишидан манфаатдорлик даражасини ошириш; учинчидан, ходимларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш.

Меҳнат самарадорлигини оширувчи ташкилий-иктисодий механизмни шакллантиришда меҳнатни ташкил этишдаги элемент(унсур)лар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда механизмнинг мақсади ўз аксини топиши лозим. Ташкилий-иктисодий механизм элементларини алоҳида ташкилий ва иктисодийга бўлган ҳолда ҳаракат таркиби ифода этилди (1-чизма). Бунда механизм кўйилган мақсадга

эришиш учун белгиланган вазифа ва тамойилларни бажарилишини таъминловчи дастак сифатида амал қиласи.



1-чизма. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини асосий элементлари¹

Ушбу 1-чизмадаги саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми элементларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш нафакат мантиқий-функционал, балки энг муҳими механизмнинг асосий хусусиятларини тўлиқ очишни таъминлайди. Саноат корхоналари даражасида уни ривожланишини асосий ташкилий-иктисодий параметрлари мувоғиқлиги, хусусан муносаб мөхнат тамойиллари асосида меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадлари ҳамда устувор йўналишлари мувоғиқлиги узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Хуоса ва тавсиялар

Мамлакатимизнинг инновацион ривожланишга ўтиш шароитида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишдаги стратегия ва тактикани ишлаб чиқишида меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат самарадорлиги ижтимоий-

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги тушунчаларидан ўзига хос хусусияти бўйича фарқ қилиб, унумли меҳнат сарфи, меҳнат сифати ва муносиб меҳнатни ифода этади. Тадқиқотимизда меҳнат самарадорлиги тушунчасига хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифларни ўрганган ҳолда ҳамда саноатнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб меҳнат самарадорлиги тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Шуни қайд этиш лозимки саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг ошиши ишлаб чиқарилётган маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи камайишини, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишини таъминлайди. Меҳнат самарадорлиги меҳнат сарфлари натижавийлигини ифода этишини ҳисобга олиб ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-иктисодий самарадорликни намоён этади. Бу самарадорлик ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари даражасини кўрсатиб, меҳнат сарфи ва натижалари ўртасидаги муносабатни тавсифлайди.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари, мақсадлари билан корхоналарда инновацион технологияларни фаолиятга жорий этиб бориш, ишлаб чиқариш хом-ашёси бўлган табиий ресурсларнинг янги захира манбаларини излаб топиш ва фойдаланиш, бошқарувнинг замонавий усулларини қўллаш, меҳнатни самарали рағбатлантириш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратишнинг мувофиқлиги назарда тутилади. Кўп ҳолларда, бир вазифа бошқаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошмайди. Саноат корхоналарининг муваффақиятли ривожланишида меҳнат самарадорлигини ошириш механизмининг асосий элементларига амал қилиниши муҳим ҳисобланади. Меҳнат самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми ўзгариб бораётган инновацион иқтисодий шароитларга мослашиш, ҳаракатни вужудга келтирувчи аниқ самарали усулларни танлаш, натижалар самарадорлиги доимий ошиб бориши бўйича чораларни қўриш ва мониторинг қилиш элементларига устуворликни таъминлашдан иборат. Ҳар қандай механизмнинг мукаммал амал қилишилигига унга асос бўлувчи тамойил(принцип)ларга амал қиласди. Бизнинг ташкилий-иктисодий механизм вазифалари “аниқ мақсадлилик, масъулиятлилик, режалилик, очиқлик (ошкоралик)” каби тамойилларга асосланади. Механизмдаги ташкилий-иктисодий элементлар келгусида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий-иктисодий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда меҳнат самарадорлигини муттасил ошириб бориш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон).
3. Ж.П. Е-М. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2006. - 213 б.
4. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – с. 257.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж.П. // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 578 б.

6. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи”. Т., “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 9 сентябр.
7. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда ахолини муносаб мөхнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш: иқт.фан.док.дисс. автореферат. - Т., 2016. - 15 б.
8. Мюллер Д.К. “Англо-русский словарь”. М.: “Русский язык”, 1992. – с. 233-234.
9. Новожилов В.В. “Проблемы измерения затрат и результатов при оптимальном планирования” // – М.: “Наука”, 1972. – с. 56-58.
10. Чистов Л.М. “Теория эффективного управления социально-экономическими системами”. Учебник. – СПб.: “Астерион”, 2009. – с. 575.
11. Кузнецов Б.Л, Кузнецова С.Б., Андреева Ф.И. “Эффективность корпоративного развития”. – Набережные Челны: Изд-во Камской гос. нж.-экон. акад., 2005. – с. 119.
12. Абдураҳмонов Қ.Х. “Мөхнат иқтисодиёти”. - Т.: “Мөхнат”, 2004. - 398 б.
13. Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси” (Дарслик) (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. – 41-43 б.
14. Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. - С., 2007. - 154 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. - Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 19.01.2012 йил.
16. Иваницкий В.И., Максименко Р.Н., Ушакова Н.Н. Экономика труда. – М.: Экономика, 1990. – с. 334.
17. Волков О.И. Экономика предприятия: учебник. – М.: ИНФРА – М, 1997. – с. 416.
18. Рофе А.И. Экономика труда. – М.: КноРус, 2010. – с. 400.
19. Костин Л.А. Производительность труда технический прогресс. - М.: Экономика, 1994. – с. 82.
20. Потуданская В.Ф. Эффективность труда и профессиональная культура: монография // В.Ф.Потуданская, А.В.Калекина. - Омск: ОмГТУ, 2009. – с. 197.
21. Волчёнкова А.С. Совершенствование механизма управления эффективностью труда в аграрном секторе экономики. Автореферат дисс.кан.экон.наук. Орел, 2013. – с. 8.
22. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили (4-чиқарилиш). Ўқув қўлланма. Т., 2003. – 155 б.
23. Большой экономический словарь. - М.: Институт новой экономики. А.Н.Азрилиян, 1997. – с. 74.
24. Словарь бизнес-терминов. www.academic.ru
25. Словарь по профориентации и психологической поддержке. Томский центр профессиональной ориентации. Н.Е.Дружинин. 2003. – с. 101.
26. Абдураҳмонов Қ.Х. “Мөхнат иқтисодиёти”. - Т.: “Мөхнат”, 2009. - 32 б.
27. Артоболевский И.И. Теория машин и механизмов. – М.: Наука, 1998. – с. 48.